



Course: Islamic Finance

Lecture 10: Islamic Microfinance

Lecturer: Dr. Shaamirova Surayyo

Микромолиялаштириш йўли билан қашшоқликни камайтириш

Қашшоқлик XXI асрнинг энг долзарб глобал муаммоларидан бири ҳисобланади.

Бугунги кунда дунё бўйлаб миллиардлаб инсонлар турли даражадаги қашшоқлик шароитида яшамоқда.

Жаҳон банкининг 2025 йил учун янгиланган маълумотларига кўра, тахминан **692** миллионга яқин киши ёки дунё аҳолисининг қарийб **8,4%** ўта қашшоқлик шароитида ҳаёт кечирмоқда.

Жаҳон банкининг янги халқаро қашшоқлик чегарасига мувофиқ, кунига 2,15 АҚШ долларидан кам даромадга эга бўлган шахслар ўта қашшоқ аҳоли қаторига киритилади.

Микромолиялаштириш йўли билан қашшоқликни камайтириш

Қашшоқликнинг асосий сабабларидан бири **молиявий хизматларнинг чекланганлигидир.**

Тижорат банкларидан фарқли равишда айнан **даромади кам бўлган аҳолига хизмат кўрсатувчи молиявий механизм** сифатида микромолиялаштириш ташкилотлари ташкил топди ва ривожланмоқда.

Микромолиялаштириш дунё бўйлаб қашшоқликка қарши курашда кучли восита бўлиб, улкан ютуқларга эришмоқда.

Микромолиялаштиришнинг пайдо бўлиши қашшоқликни йўқотишга асосланган эди.

Микромолиялаштириш йўли билан қашшоқликни камайтиришга исломий ёндашув

- Аммо кейинчалик у йўналишини ўзгартириб, фойда олишга қаратилган механизм сифатида турли мақсадларда фойдаланилди.
- Ҳозирги вақтда микромолиялаштириш қашшоқликни юмшатиш эмас, балки молиявий хизматлардан кенг жамоатчилик фойдаланиши учун қўлланилмоқда.
- Исломий микромолиялаштириш камбағалликни қисқартиришда алоҳида аҳамиятга эгаллиги исботланган.
- Ушбу механизмни жорий қилиш натижасида мамлакатимизда бўш ўринларини яратиш ва аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш орқали камбағалликни қисқартириш мумкин.

Микромолия лаштириш йўли билан қашшоқликни камайтиришга исломий ёндашув

- **Микромолиялаш** микромолиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилотларнинг қонунчиликда белгиланган миқдордан ошмайдиган суммада микрокредит, микроқарз, микролизинг бериш, шунингдек микромолиявий хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартномага мувофиқ бошқа хизматлар кўрсатиш борасидаги фаолиятидир.
- **Микрокредит қарз олувчига тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун 1,2 миллиард сўмдан ошмайдиган суммада тўловлилик, муддатлилик ва қайтариш шартлари асосида бериладиган пул маблағларидир.**

Микромолиялаштириш йўли билан қашшоқликни камайтиришга исломий ёндашув

2026 йилда амалдаги қонунчиликка мувофиқ, микроқарз — банклар ва микрокредит ташкилотлари томонидан жисмоний шахс бўлган қарз олувчига тўловлилик, муддатлилик ва қайтариш шартлари асосида базавий ҳисоблаш миқдорининг (БҲМ) 100 бараваридан ошмайдиган миқдорда бериладиган пул маблағларидир.

2026 йилдаги БҲМ миқдоридан келиб чиқиб, ушбу сумма тахминан **41 миллион сўмгачани** ташкил этади.

2026 йилда амалдаги қонунчиликка мувофиқ, микролизинг — тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш мақсадида лизинг тўғрисидаги қонунчилик асосида базавий ҳисоблаш миқдорининг (БҲМ) 6000 бараваридан ошмайдиган миқдорда тақдим этиладиган молиявий хизмат ҳисобланади.

2026 йилдаги БҲМ миқдоридан келиб чиқиб, ушбу сумма тахминан **2,4 миллиард сўмгачани** ташкил этади.

Исломий микромолия: тадбиркор камбағал аҳолини молиялаштириш механизми

Микромолия — бу камбағал аҳолига (одатда расмий молиявий хизматлардан четда қолган шахсларга) кичик миқдордаги молиявий хизматларни тақдим этиш жараёнидир.

Исломий микромолия — бу шариат тамойиллари асосида расмий молиявий хизматлардан фойдаланиш имконияти чекланган камбағал аҳолига кичик миқдордаги молиявий хизматларни тақдим этиш жараёни ҳисобланади.

Исломий микромолиянинг асосий мақсади — расмий молия институтлари орқали одатий молиявий операцияларни амалга ошириш учун етарли маблағга эга бўлмаган камбағал ва паст даромадли аҳоли қатламини зарур молиявий ресурслар билан таъминлашдан иборат.

Исломий микромолия институтларининг тарихи

-
- Мусулмон жамиятларида қашшоқликни камайтириш ва ижтимоий барқарорликни таъминлашга қаратилган дастлабки ташаббуслар қуйидагиларни ўз ичига олади:
 - закот институти (мажбурий хайр-эҳсон);
 - вақф (хайрия мақсадидаги мулк ёки жамғарма);
 - қарзи ҳасан (фоизсиз эҳсон қарзлари).
 - Ушбу механизмлар тарихан аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш, иқтисодий тенгликни таъминлаш ва тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантиришда муҳим аҳамият касб этган.
 - Анъанавий микромолия ташаббуслари доирасида Европада XVI асрда кооператив лойиҳалар орқали жорий этилган норасмий жамғарма клублари фоиз элементлари билан боғлиқ бўлган.
 - Шу сабабли, улар микромолиянинг тадбиркор камбағал аҳолини қўллаб-қувватлашга қаратилган асл мақсадини тўлиқ таъминлай олмаган.

Исломий микромолия институтлари нинг тарихи

- Фоизга асосланган анъанавий микромолия моделларига муқобил сифатида исломий молиявий хизматларнинг қайта тикланиши тадбиркор камбағал аҳолини қўллаб-қувватлашга қаратилган исломий микромолия моделларини тўғри шакллантиришга олиб келди.
- Замонавий ислом молияси тарихи 1960-йилларда Мисрнинг чекка ҳудудида жойлашган Мит Ғамр қишлоғидаги исломий қишлоқ микромолияси тажрибасидан бошланган.
- 1970–1980 йилларда мусулмон мамлакатлари бўйлаб исломий молиявий маҳсулотларни таклиф этувчи кўплаб молиявий муассасалар ташкил этилди.

Исломий микромолия институтлари нинг тарихи

1990-йиллар ва янги минг йиллик даври исломий молия маҳсулотларини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш босқичини бошлаб берди.

Grameen–Jameel қўшма ҳамкорлик ташаббуси Форс кўрфази ҳамкорлик кенгаши (GCC) давлатларида микромолия ташаббусларининг ривожланишига йўл очди.

Исломий микромолия модели:

- эксплуатацион ёндашувларни, хусусан фоиз ундириш амалиётини истисно этади;
- бизнес фаолиятига асосий ҳиссаси ўз билими ва тажрибаси бўлган қобилиятли тадбиркорларни қўллаб-қувватлайди.

Исломий микромолиянинг таркибий қисмлари

- Исломий микромолия қуйидаги йўналишларни ўз ичига олган комплекс тушунча ҳисобланади:
 - **микрокредитлаш** (Micro-lending);
 - **микроомонатлар** ва жамғармалар (Micro-saving);
 - **микросуғурта** (асосан micro-takaful номи билан юритилади).

Cont.,

Микрокредитлаш

Камбағал ва паст даромадли аҳолига кичик миқдордаги молиявий ёрдам кўрсатиш

Фоизсиз қарзлар тақдим этилади

Қарзни қайтариш шартлари нисбатан мослашувчан ҳисобланади

Қарзи ҳасан (эзгу қарз) тамойилига асосланади

Микрожамғарма

Омнат ва депозитлар концепциясига асосланади

Жамғарма ҳисобварағидаги капитал ёки фойдани сақлашга қаратилган

Маблағларни бошқаришда мустақилликни рағбатлантиради

Вадиъа (сақлаб бериш) концепциясига асосланади

Микротакафул

Ўзаро ҳамкорлик, бирдамлик ва ҳимоя тамойилларига асосланади

Гуруҳ доирасида ўзаро рискларни тақсимлаш механизмига асосланади

Аъзоларнинг молиявий имкониятидан ташқари рисклар учун мўлжалланган

Такафул тамойилларига асосланади

Исломий микромолиянинг молиялаштириш усуллари

ИММ эҳтиёжлари учун қарз ёки улушли молиялаштириш усулларидан фойдаланади.

**Қарзга асосланган
молиялаштириш
усулларига қуйидагилар
киради:**

- қарзи ҳасан;
- муробаҳа;
- ижара;
- салам;

**Улушли молиялаштириш
усулларига эса
қуйидагилар киради:**

- мудораба;
- мушорака;
- мусоқа (ҳосилдан улуш олиш асосидаги шерикчилик) ва бошқалар.

Микромолиялаштиришнинг исломий усуллари

- Ислом микромолиялаштириш ташкилотларини ташкил қилиш орқали мамлакатда қашшоқликни камайтириш мумкин:
 1. Рибо тақиқланади. Яъни қарз олган мижоз вақтидан кечиктириб тўловни амалга оширса, ундан ортиқча тўлов олинмайди ёки агар қарз олган мижоз зарарга кирса бу томонлар ўртасида бўлинади.
 2. Қашшоқликнинг ҳам даражаси бор, яъни деярли даромадга эга бўлмаган фақирлар ва мискинларга закот, садақа ва вақф орқали моддий ёрдам берилади.
-


Микромолиялаштиришнинг исломий усуллари

3. Исломий микромолиялаштириш ташкил қилиш орқали музлаган активлардан самарали фойдаланиш имконияти очилади. Аҳолисининг 93% қисми мусулмонлардан ташкил топган давлат учун ИММ жуда муҳим ҳисобланади. Аҳолининг кўп қисми молиявий хизматларга муҳтож бўлса ҳам диний сабаблар туфайли ушбу хизматлардан фойдаланмасликка ҳаракат қилади.

4. Тижорат банклари томонидан микроқарзлар ажратилиши имкониятининг етарли даражада мавжуд эмаслиги микроқарзларни олиш даражасини оширишни таъминламаяпти, микрокредит ташкилотлари ва ломбардларнинг хизматлари бўйича юқори фоиз ставкалари аксарият ҳолатларда истеъмолчиларнинг молиявий ҳолати ёмонлашишига олиб келмоқда.

ИММ фоизли кредитлардан фарқли ўлароқ фойдани ёки зарарни тақсимлаш орқали молиялаштириш истеъмолчиларга кенг имкониятлар яратади.

Ислом микроолиялаштиришнинг тузилиши



Жаҳонда Ислом микромолиялаштириш ривожланиш даражаси

Ислом молиясида
микромолиялаштириш
нинг улуши: 1%

Умумий ҳажми 1,5
АҚШ млрд.доллари

500+ Ислам
микромолиялаштириш
институлари мавжуд

46 та давлатларда
фаолият кўрсатди

Йирик бозорлар:
Покистон, Афғонистон,
Яман, Судан, Нигерия,
Ироқ ва б.

Ўсаётган бозор:
Иордания, Ҳиндистон,
Албания, Туркия,
Синегал, Того, Танзания
ва б.

Исломий микромолиялаштиришнинг афзалликлари

- Молиявий инклюзивликни оширади
- Камбағал аҳолини қўллаб-қувватлайди
- Рибо ва эксплуатацияни чеклайди
- Тадбиркорликни рағбатлантиради
- Ижтимоий адолатни таъминлайди

Ўзбекистонда исломий микро молиялаштири шнинг ҳуқуқий асослари

Ўзбекистонда исломий микромолиялаштириш хизматларини ҳуқуқий тартибга солиш бўйича муҳим қадам сифатида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2024 йил 19 июлдаги 23/4-сон қарори қабул қилинди.

Мазкур ҳуқуқий база Ўзбекистонда исломий микромолия бозорини ривожлантириш, аҳолининг молиявий инклюзивлигини ошириш ва шариат тамойилларига мувофиқ молиявий хизматларга бўлган талабни қондириш учун муҳим институционал асос яратмоқда.

2024 йил 19 июлдаги 23/4-сон қарори

- Ушбу Низом:

- микромолия ташкилотлари томонидан исломий молиявий хизматлар кўрсатиш тартибини;
- шариат тамойилларига мувофиқ молиялаштириш механизмларини;
- исломий молиявий операцияларни амалга ошириш қоидаларини;
- рискларни бошқариш ва ички назорат тизимини;
- бухгалтерия ҳисоби ва ҳисобот юритиш тартибини белгилаб беради.

ИММнинг асосий муаммолари

- **Институционал муаммолар**

- Шариат бўйича малакали мутахассислар етишмаслиги
- Молиявий саводхонлик даражасининг пастлиги
- Ҳуқуқий ва регулятив базанинг чекланганлиги

- **Операцион муаммолар**

- Юқори операцион харажатлар
- Рискларни бошқаришдаги қийинчиликлар
- Фаолиятни кенгайтириш имкониятининг чекланганлиги

- **Бозор билан боғлиқ муаммолар**

- Молиявий ресурсларнинг етарли эмаслиги
- Аҳолининг исломий молиявий хизматлар ҳақидаги хабардорлиги пастлиги
- Анъанавий микромолия ташкилотлари билан кучли рақобат

- **Технологик муаммолар**

- Рақамли инфратузилманинг етарли даражада ривожланмаганлиги
- Финтех технологияларидан чекланган фойдаланиш
- Қишлоқ ҳудудларида молиявий хизматларга кириш имкониятининг пастлиги

Ислом микромолия лаштиришнинг амалдаги амалиётлари

- Ўзбекистонда исломий микромолиялаштиришни ташкил қилиш учун қуйидаги амалга ошириш лозим:
 - i. ИММ бўйича ахборот-тушунтириш ишлари олиб борилиши керак: Оммавий ахборот воситалари орқали исломий хизматларни тушунтириш бўйича кўрсатувлар тайёрлаш ва амалга ошириш, шунингдек, махсус интернет-портал яратиш имкониятини кўриб чиқиш
 - ii. ИММ қошида Шариат кенгашларини ташкил қилиш керак. Ушбу кенгаш ИММ фаолияти ва хизматларини шариат қоидалари асосида бўлишини таъминлайди ҳамда ходимлар ва мижозларга исломий молиявий хизматлар бўйича тренинглар ўтказий ва бошқа вазифларни бажаради.

Ислом микромолиял аштиришнинг амалдаги амалиётлари

III. Қашшоқликни камайтиришда ИММ ташқил қилиш ва сонини оширишга давлат ва хусусий сектор томонидан қўллаб қувватлаш бўйича йўл харитаси ишлаб чиқиш.

- Масалан, ҳозир амалиётда юритилаётган “темир давтар”га киритилганларга закот ва садақаларни йўналтириш мумкин. Бунда Покистондаги Akhuwat ИММ модулини олиш мақсадга мувофиқдир.

IV. Вақф хайрия жамоат фонди исломий микромоялаштириш муассасининг нотижорат шакли ҳисобланади.

- Шундай келиб чиқиб, ушбу ташкилотни фаолиятини такомиллаштириш керак. Яъни асосий даромад закот ва эҳсон пуллардан эмас, балки ҳозирги замонавий вақф фондлари сингари ўз-ўзини молиялаштиришдан бўлиши керак.

Фойдаланилган адабиётлар

- World Bank. (2025). *World Development Indicators: Poverty and Equity Data*. Washington, DC: World Bank.
- Islamic Development Bank Institute (IsDBI). (2023). *Islamic Microfinance and Financial Inclusion Report*. Jeddah: IsDBI.
- Bank Indonesia & OJK. (2024). *Islamic Microfinance Development Report*. Jakarta: OJK.
- Obaidullah, M., & Khan, T. (2008). *Islamic Microfinance Development: Challenges and Initiatives*. Islamic Research and Training Institute (IRTI).
- Rahman, A. R. A. (2010). *Islamic microfinance: An ethical alternative to poverty alleviation*. *Humanomics*, 26(4), 284–295.

Эътиборингиз учун раҳмат!